2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 1-SENTABR, SHANBA, 102 (8027) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа – Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг йигирма бир йиллигини нишонламоқдамиз.

Ана шу буюк сана билан, халқимиз асрлар давомида интилиб, орзиқиб кутган, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Мен ишонаман – асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлигимизни англаш, инсоний шаънимизни, қадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улуғ айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.

Қадрли юртдошларим!

Ўз-ўзидан аёнки, кишилик тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йигирма бир йил жуда қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди.

Биз эски мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафкурасидан бутунлай воз кечиб, тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи боқишга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилганимизни яққол намоён этмоқдамиз.

Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа – замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан қўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқаро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ва чеҳраси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Кўпчиликни ҳайратда қолдираётган бундай ҳақиқатни тасдиқлаб берадиган кўпгина рақам ва маълумотларни келтириш қийин эмас.

Шулар қаторида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайгани, ёқилғи ва ғалла мустақиллигига, ўзимизни ўзимиз гўшт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси аввало мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган принципни ҳаётга татбиқ этганимизнинг амалий самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2 баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айни шу мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижаси деб қабул қиламиз.

Бундан йигирма бир йил олдин ҳар ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, унинг эмин-эркин яшаётганини намоён этади.

Шу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир.

Бугун барча давлатларни катта ташвишга солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган молиявий-иқтисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон охирги етти йил давомида дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ўртача 8-8,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганининг яққол далилидир.

Барчамиз Ватанимизни равнақ топтириш йўлида эришган марраларимизни дастлабки қадамлар сифатида қабул қилиб, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз даркор.

Бугун шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узоқни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатгина ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришмоғи мумкин.

Замоннинг ўзи ўртага қўяётган айни шундай ўткир талабларни инобатга олган ҳолда, бизнинг олдимизда турган энг устувор вазифамиз – бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янги босқичга кўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарама-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо огоҳ, доимо ҳушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шууримизни, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган ишларимизга баҳо берар эканмиз, биз эришган ютуқ ва марраларни қўлга киритиш осон бўлмаганини таъкидлашимиз ўринлидир.

Бу йўлда эл-юртимиз қандай мураккаб ва таҳликали синов, тўсиқ ва ғовларни енгишда турли ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, ўз эътиқодидан қайтмасдан келгани, аввало ўзининг меҳнатсеварлиги, мардлиги ва матонати ҳисобидан бугунги ёруғ кунларга етиб келганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ҳозирги кунларда ҳам бизнинг танлаган йўлимизга шубҳа туғдириш, кечаги даврни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга, бизни яна эски қолип ва тобеликка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳаракатлар кам эмас.

Лекин бу кучлар бир ҳақиқатни англаб олиши керак. Бугун биз кечаги – 90-йиллардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий тажрибага эга бўлмаган одамлар эмасмиз.

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, ўзбекона айтганда, биз бугун оқни қорадан ажрата оладиган халқмиз.

Бизнинг халқимиз, аввало, йигирма бир йил давомида вояга етган, мустақил фикрлашга, юксалиб бораётган онгу тафаккурга эга бўлган навқирон авлодимиз порлоқ келажагимизга катта ишонч билан қарайди ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон – мен такрор айтаман – ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб, узоқ ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ва энг замонавий технологияларни олиб келиш мақсадида юртимизда қулай иқлим ва имтиёзли шароитларни янада кенгайтириш, бизга хайриҳоҳ бўлган давлатлар билан шериклик муносабатларини янги босқичга кўтариш – буларнинг барчаси доимо диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча меҳмонларимизга бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётганлари учун сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Бугунги шукуҳли дамларда бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, умидимиз бўлмиш ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Қадрли фарзандларим, ҳеч қачон унутманг:

Сиз кимнинг, қандай улуғ зотларнинг авлодисиз!

Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз!

Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюк Ватанимиз қудратига суяниб, маррани баланд олинг, азиз болаларим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир ғалабангиз – юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!

Азизларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Бугун мана шундай ёруғ кунларга етказган, эзгу ишларимизда Ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтамиз.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!




## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Халқимиз Ватанимиз давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигини катта кўтаринкилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди. Жорий йилда энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб **«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан»** деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда.

2012 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан гўзал, шукуҳли, салобатли. Миллий боғ, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона либосда. Улар юртимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги, эркин ва обод Ватанимизни шарафлайдиган ҳамда Мустаҳкам оила йилига бағишланган бадиий паннолар билан безатилган. Давлатимизнинг мағрур ҳилпираётган байроғи ранго-ранг чироқлар ёғдусига безанган ям-яшил арчалар, мажнунтоллар билан уйғунлашиб атрофга ажиб тароват таратади, дилларга масрурлик бахш этади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироқлар нуридан шуълаланаётган рамзий миноралар салобат тўкиб турган муаззам майдон томон ошиқади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрган.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг нилий гумбазларидан нур ёғилиб турган маҳобатли ҳайкали улкан мажмуага янада улуғворлик бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам, ул буюк зотнинг муқаддас руҳи ва беназир шеърияти эзгу ва хайрли ишларимизда ҳамиша ҳамнафас ва мададкор бўлиб келмоқда.

***Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,***
***Ёр ўлинг бир-бирингизга ки, эрур ёрлиғ иш.***

Бобокалонимизнинг инсонга чексиз муҳаббат билан тўлиб-тошган бу каби фалсафий ўгитлари маънавий меросимизнинг бебаҳо хазинаси бўлиб, наинки халқимиз, балки башарият учун ҳам буюк ҳикматдир. Зотан, улуғ мутафаккир бобомиз айнан "олам аҳли" деб мурожаат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинди, буюк бобомизнинг 550 йиллик таваллуди кенг нишонланди. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан кейин саноқли кунлардан сўнг, яъни, 1991 йил 28 сентябрь куни пойтахтимизда Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Бу юртимизда амалга оширилаётган бекиёс янгиланишлар ва бунёдкорлик ишларининг дебочаси бўлди. Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, халқимиз тарихида қутлуғ келди. Унутилмас сана бўлиб қолди. Шу боис Мустақиллик ва Наврўз байрамларининг асосий тантаналарини мазкур боғда нишонлаш чуқур рамзий маънога эга. Халқимизнинг катта байрамлари шу ердан бошланиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилади.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилади. Байрам аҳли ҳурриятимизнинг муаззам қўшиғига жўр бўлади, минг-минглаб қалблардан отилиб чиқаётган садолар бутун оламга таралади. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси сунъий йўлдош воситасида телевидение орқали томоша қилади, интернет орқали дунёнинг барча ҳудудларига кириб боради.

(Давоми 2-саҳифада)

## АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

**Мустақиллик шарофати билан миллатимиз, халқимиз шаъни, қадр-қиммати, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатағон қилинган, қатл этилган юзлаб юртдошларимиз, Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай савобли ва хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.**

Мустақиллик байрами олдидан бугунги саодатли кунларга етишишимиз, Ватан озодлиги, юрт тараққиёти йўлида жонини фидо қилган аждодларимизни хотирлаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буён 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бундай мўътабар масканларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Айни чоғда шундай зиёратгоҳлар ва қадамжолар бугунги тинч ва хотиржам ҳаёт, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англатадиган, уларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган маънавият ва маърифат ўчоқларидир.

2012 йил 31 август тонги. Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Анъанага кўра ош тортилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Ўтганлар хотираси муқаддас. Бугунги нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган қатағон қурбонларининг хотирасини ёд этар эканмиз эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Шаҳид кетган ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Тарихини билмаган, ўзлигини англамаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш, мустаҳкамлаш, Ватанга садоқат сингари муқаддас тушунчаларини ёшларимиз онгига чуқур сингдириш даркор. Улар оқни қорадан, ҳақни ноҳақдан ажрата олсин. Зеро, ватанпарварлик ғояси онгига чуқур муҳрланган, дунёқараши кенг, ҳар жиҳатдан билимли, зукко, ҳамиша огоҳ авлодни ҳеч ким енголмайди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай навқирон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказа олмайди.

(Давоми 3-саҳифада)

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлик, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан йўлланган табрикда шундай дейилади:**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига***

Жаноби Олийлари!

Сизни ва халқингизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этишни истардим. 2010 йилнинг апрель ойидаги ташрифим чоғида юртингизнинг чуқур таассурот қолдирадиган тарихий ва маданий мероси, шунингдек, ўзбек халқининг донг таратган меҳмондўстлиги билан шахсан танишиш бахтига муяссар бўлдим.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг учинчи ўн йиллигига қадам қўяр экан, у халқаро ҳамжамиятнинг аъзоси сифатида муҳим одимлар ташлашни давом эттирмокда. "Минг йиллик тараққиёт мақсадлари"га миллий даражада эришиш йўлида олға силжишни давом эттириб, мамлакатингиз иқлим ўзгариши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш каби соҳаларда халқаро майдонда ўз ҳиссасини қўшиб келмокда, бу эса уларнинг баъзилари, холос. Шу ўринда, яқинда ўтказилган "Рио+20" барқарор ривожланиш бўйича БМТ Конференциясида мамлакатингиз делегациясининг самарали қатнашганлиги учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Марказий Осиё умумий масалаларни ечишда минтақавий ҳамкорлик ва биргаликдаги ёндашувларни излашни тақозо этадиган янги давр бўсағасида турибди. Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг давлат раҳбарлари билан биргаликда минтақанинг сув ва энергетика муаммоларини ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлини топишда Сизнинг етакчилик қилишингизга ишонаман.

2014 йилга бориб Афғонистонда хавфсизлик соҳасида янги шарт-шароитлар вужудга келади. Афғонистонда ва умуман минтақада барқарорлик ҳамда иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган минтақавий саъй-ҳаракатларни янада қўллаб-қувватлашингиз ва бунда иштирок этишингиз ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Сизни ишонтириб айтаманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон халқи манфаатлари борасидаги, шунингдек, Марказий Осиё ва унинг атрофида тинчлик, барқарорлик ва равнақ йўлидаги ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам ривожлантириб бораверишга тайёрдир.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Пан Ги МУН,**
**БМТ Бош котиби**

* * *

**Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз қутловларини йўллашган:**

БМТ Бош Ассамблеяси Раиси **Носир Абдулазиз Ал-Носир**

Нидерландия Қироличаси **Беатрикс**

Туркия Президенти **Абдуллоҳ Гул**

Австралия Генерал-Губернатори **Квентин Брайс**

Сингапур Республикаси Президенти **Тони Тан Кен Ям**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **Чионг Тан Шанг**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика**

Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси, Фаластин Миллий маъмурияти раиси **Маҳмуд Аббос**

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**

Қирғиз Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Ҳамид Карзай**

Саудия Арабистони Подшоҳлигида истиқомат қилувчи ватандошлар **Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний** ва бошқалар.

***Қутловлар келиши давом этмоқда.***

# АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

**(Боши 1-саҳифада)**

Шу маънода "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи юртдошларимизни, айниқса, навқирон авлодни тарихимизни яхши ўрганиш ва ундан сабоқ чиқариб, мана шундай дориломон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи масканлардан биридир. Музейдаги экспонатлар мунтазам равишда янгиланиб, унинг хазинаси ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб борилмоқда. Бу ерда мустабид тузумнинг шоҳиди бўлган кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, тарих, маънавият дарсларини ўтказиш яхши анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида суҳбатлашди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган нохуш воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади, деди давлатимиз раҳбари. Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршиликлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатида рўй бермасин, бундан кўнглимиз ғаш тортади.

Дилни хира қиладиган бундай воқеалар биздан узоқда, деб унга лоқайд қараш хомхаёлликдир. Нега деганда, бундай бало бир мамлакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида бартараф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳамиша огоҳ бўлиш, она Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшмоғи, эл-юрт тақдири, келажаги учун дахлдорлик туйғусини дилига жо қилмоғи даркор.

Бу хусусда гапирар экан, Президентимиз қўшни Афғонистондаги мураккаб вазиятга яна бир бор эътиборни қаратди. Ўзбекистон бу давлатда ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён давом этаётган можаролар тезроқ барҳам топиб, мамлакат тикланиш ва тараққиёт йўлига тушиб олишини истайди. Зеро, халқимизда "қўшнинг тинч – сен тинч" деган мақол бор. Умуман, ҳамиша эзгу ва хайрли ниятлар билан яшайдиган халқимизнинг орзуси, мақсади битта – жаҳондаги барча мамлакатларда, элларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурсин, одамлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечирсин.

Улуғ неъмат – мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикдан хотиржамликка берилиш, огоҳлик ва сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Ислом Каримов. Тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ходимларининг вазифаси, деганлар қаттиқ янглишади. Бу йўлда барчамиз, бутун халқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз керак. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапда ҳикмат кўп, унинг маъноси кенг. Зеро, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгариш ва воқеалар хусусида, уларнинг асл сабабларини тушунтириш ишларини олиб боришда имом-хатибларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти катта бўлмоғи зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги имом-хатиблар бундан 15-20 йил олдингиларидан жиддий фарқ қилади. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси қошида ташкил этилган ўқув маркази бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун дин вакиллари ҳам юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, огоҳ бўлиб бормоқда.

Шу азиз Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, салоҳиятини янада юксалтириш барчамизнинг, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган улкан марралар, эл-юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги тўғрисида айнан мана шу ерда, Ватанимиз озодлиги, халқимиз эркинлигини орзу қилган ва шу йўлда ўз ҳаётини қурбон қилган улуғ аждодларимизнинг хотираси шарафига барпо этилган ушбу мажмуада юксак ғурур ва ифтихор билан гапираётганимиз чуқур рамзий маънога эга, деди пировардида Ислом Каримов. Бу билан буюк аждодларимизга миннатдор авлодлар сифатида, сизларнинг энг олий, энг эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошди, мустақил Ватанимиз тобора юксалиб, ривожланиб бормоқда, авлодларингиз ўз юртининг ҳақиқий эгаси бўлиб, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, деймиз.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳуррриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2012 йил 31 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**



Ялпи мажлиснинг иккинчи кунида сенаторлар Конституция нормаларига мувофиқ ва Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан белгилаб берилган қоидаларни рўёбга чиқариш доирасида мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги парламент эшитувини ўтказдилар.

Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити тўғрисидаги ахборотни кенг ёйиш мақсадида мунтазам равишда халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, анжуманлар ва конференциялар ўтказилмоқда. 2011 йилда 50 дан ортиқ, 2012 йилнинг биринчи ярмида эса 32 та чет эл делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилиб, бизнес-анжуманлар ўтказилди. Иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида 2011 йилда Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Бельгия Қироллиги, АҚШ, Польшада, шунингдек, Испаниянинг Мадрид ва Барселона шаҳарларида 7 та бизнес-анжуман ва давра суҳбати ўтказилди. Ўтказилган тадбирлар якунлари бўйича ҳамкорлик ҳамда хорижий инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисида 52 та ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз минтақаларининг истиқболли тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳалар рўёбга чиқарилиши устидан тизимли мониторингни амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ҳар йили минтақавий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, мазкур дастурлар доирасида 2011 йилда 1226 та лойиҳа бўйича жами 841,2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилган бўлиб, бу ҳисобот даврининг прогнозига нисбатан 110,2 фоизни ва 2010 йил кўрсаткичига нисбатан 118,5 фоизни ташкил этди.

Парламент эшитувида савол-жавоб тарзида кенг фикр алмашув бўлиб ўтди, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда минтақаларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, жойларда инвестиция инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш масалаларида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг барқарор ишлаши масалаларини ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига дахлдор бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 24 та масала, шу жумладан демократик ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган, амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни янада оширишнинг қудратли омили бўладиган 9 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**матбуот хизмати**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*

## ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Файзулла Хасанович **Атабаев**
Азамат Хожамуратович **Баймуратов**
Раъно Норбоевна **Камалова**
Мухаматали Азимович **Назаров**
Турабек Турсунбекович **Рахманов**
Зуфар Султонович **Усмонов**.

**2.** Рустам Убайдуллаевич **Абдуллаев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

**3.** Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И.СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 31 август.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*

## ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:

Бибисанем Таджибаевна **Темирханова**
Олим Дусмухамматович **Халмирзаев**

**2.** Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И.СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 31 август.*

## Бухоро халқаро аэропорти:

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

**Бухоро халқаро аэропортини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари 1996 йилда бошланган эди. Орадан бир йил ўтиб, соатига 150 авиайўловчига хизмат кўрсатувчи йўловчи терминали қуриб, ишга туширилди. Шу йилнинг ўзида аэропортнинг учиш-қўниш йўли капитал таъмирланди, йўлакларга "Siemens" компаниясининг ёритувчи жиҳозлари ўрнатилди. Шунингдек, самолётларнинг ҳаводаги ҳаракатларини бошқариш ва парвозларни радио-электрон таъминлаш базаси учун энг юқори сифатли радиожиҳозлар ва сунъий йўлдош орқали бошқариладиган локация тизими янги жамланмаси қуриб, фойдаланишга топширилди.**

Амалга оширилган бу каби саъй-ҳаракатлар Халқаро авиация қўмитасининг барча талабларига мос келадиган 1-даражали ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятини яратди. 1999 йилда эса Бухоро аэропортига — Халқаро аэропорт мақоми берилди. Авиакорхона йилига 100000 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Ана шундай ижобий кўрсаткичлар сабаб Бухоро халқаро аэропорти Россия пойтахти Москва шаҳрида жойлашган МДҲ давлатлари халқаро фуқаро авиацияси Аэропорт ассоциацияси қарори билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 2008-2011 йиллар давомида 4 марта "Йилнинг энг яхши аэропорти" деб топилди ва халқаро кубок билан тақдирланди.




2009 йилда Бухоро халқаро аэропорти мазкур ассоциация томонидан ўтказилган шундай танловнинг йил кўрсаткичлари бўйича "Барқарор ривожланаётган субъект" номинациясида ҳам ғолиб чиқди.

— Бухоро халқаро аэропортида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида кўп ва хўб сўз юритиш мумкин, — дейди аэропорт директори Тоҳир Баҳронов. — Президентимиз ташаббуслари билан 2011 йилда аэропортимизда соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатадиган, уларнинг барча талабларини қондирадиган янги аэровокзал биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан учиш-қўниш йўлаклари таъмирланди, перронлар сони кўпайтирилди.

Бугунги кунда Бухоро халқаро аэропорти барча тоифадаги ҳаво лайнерларини қабул қилиб, кузатиш имкониятига эга. Ўтган йили аэропорт меҳнат жамоаси Бухоро — Тошкент, Бухоро — Урганч, Бухоро — Москва, Бухоро — Санкт-Петербург, Бухоро — Краснодар йўналишлари бўйича 102 минг нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатди. Бундан ташқари, Россия, Австрия, Италия, БАА каби ўнга яқин давлатларнинг туристик ва бизнес рейслари қабул қилинди.

Келгусида эса Бухоро — Екатеринбург, Бухоро — Новосибирск, Бухоро — Истамбул ва қўшимча Бухоро — Санкт-Петербург йўналишлари бўйича ҳаво



кемаларининг қатновларини ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

Бухоро халқаро аэропорти мустақиллик йилларида барқарор ривожланиш йўлидан дадил одимламоқда. Мазкур аэропорт орқали қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорога ҳар куни юзлаб чет эллик меҳмонлар ташриф буюришади. Бу ерда кўрсатилаётган хизматга қараб меҳмонларда юртимиз ва юртдошларимиз ҳақидаги илиқ тасаввурлар пайдо бўлиши турган гап.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»: ТАДБИРКОРНИНГ ЯҚИН КЎМАКДОШИ

**Мамлакатимиздаги тижорат банклари ўртасида мижозларга хизмат кўрсатиш борасидаги соғлом рақобат, таклиф этилаётган кенг миқёсдаги молиявий хизматлар иқтисодиётни ривожлантиришга, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, жойларда янги иш ўринлари яратишга, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Бу эса мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини оширмоқда. "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилояти филиали фаолияти ҳақида ҳам айнан шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.**

— Президентимизнинг 2008 йилнинг 10 ноябрида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони туфайли зиммамиздаги вазифалар кўлами янада кенгайди, — дейди филиал бошқарувчиси Олимжон Баҳриев. — Жумладан, мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, қайта ишлашни ривожлантириш, ички бозорни республикамизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш мақсадида сармоялар ажратишга кенг йўл очилди.

Айнан бугунги кунда вилоятнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, саноат салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш, аҳолига сифатли сервис хизматлари кўрсатиш, бандлик муаммосини ҳал этишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида филиалимиз томонидан бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, 2012 йилнинг дастлабки олти ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 10,9 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан 5,6 миллиард сўми имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатишга йўналтирилди. Ажратилган кредитларнинг 70 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди. Кредитлар ҳисобига 2700 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Пастдарғом тумани марказида фаолият кўрсатаётган "Бека Чарос" хусусий корхонаси 2008 йилда бошланғич сармояни шакллантириш учун банкнинг "Жума" филиалидан 2 миллион сўм миқдорида кредит олиб, икки нафар ишчи билан иш бошлаган эди. Кредитнинг афзаллигини англаган тадбиркор ўтган давр мобайнида яна уч марта кредит олди. Яқинда эса корхона раҳбари Гулбека Қўчқорова Нарпай туманида ўтказилган семинарда ишончли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди.

Айни пайтда "Бека Чарос"да Гулбеканинг издошлари кўпайди. Унинг 20 нафардан ортиқ шогирдлари турли дизайн ҳамда шаклдаги 20 турдан ортиқ тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Айтиш керакки, бугун банк хотин-қизларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ошириш билан биргаликда уларнинг иқтидорини намойиш этишига ҳам ёрдам беряпти.

— "Микрокредитбанк" кредитлари корхонамизда ишлаб чиқаришнинг йил сайин ошиб боришига кўмак беряпти, — дейди Гулбека Қўчқорова. — Банк сармояси ҳисобига бир нечта тикув машинаси сотиб олдик. Яратилган янги иш ўринларига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини таклиф этдик. Айни пайтда турли соҳа эгалари учун махсус иш кийимлари тайёрлашни йўлга қўйганмиз. Фермерлар ва тадбиркорлар учун Жума шаҳрида ўз дўконимизни ташкил этдик.



Самарқанд шаҳридаги "Шаҳбоз" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси банкдан 31 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Бундан мақсад фирмада ишлаб чиқаришни кенгайтириш эди. Тадбиркорлар банк сармоясига қўшимча тикув машиналари ва хомашё харид қилишди. Айни пайтда фирма фаолияти кенгайтирилиб, турли хилдаги тикувчилик ва миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти.

Мазкур молия муассасаси томонидан ўтган олти ойда деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 272,9 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Банк жамоаси томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида семинарлар ўтказиб келинмоқда. 2012 йилнинг ўтган даврида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 205,2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, эвазига 75 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди.



— Коллежда уч йил ўқишим давомида аёллар ва болалар кийимлари, пардалар тикиш ва илмоқли тикувчиликни ўргандим, — дейди Пахтачи автомобиль йўллар касб-ҳунар коллежи битирувчиси Феруза Нурназарова. – Уйда ушбу юмушлар билан шуғулланиб, дугоналарим, маҳалламизда яшовчи қизларга ҳам бу ҳунар сирларини ўргатдим. Яқинда "Микрокредитбанк"нинг "Зиёвуддин" филиалидан 1,8 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим. Бу маблағга тикув машинаси харид қилдим ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошладим. Натижада уйда онам ва синглим ҳам ишли бўлди.

Яна бир коллеж битирувчиси Барзубек Саидов ўтган йили тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида "Насимжон Азизов" хусусий корхонасини ташкил этиб, банкнинг Амалиёт бўлимидан бошланғич сармояни ташкил этиш ва чорвачиликни ривожлантириш ниятида 4,9 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредит олган эди. Жорий йил бошида эса у олинган кредитни муддатидан олдин қайтариб, банкдан айланма маблағларини кенгайтириш мақсадида 31,5 миллион сўм миқдорида кредит олди. Ҳозирги кунда корхона кенгайтирилиб, ишчи-ходимлар ўзларининг доимий даромадларига эга бўлишди.

Хуллас, банк мижозларга ўз микромолиявий хизматларини таклиф этмоқда. Бундай хизматлар кўлами йил сайин ошиб бормоқда. Молия муассасаси хизматларидан фойдаланишга ошиқаётган мижозлар ҳам кўпайиб боряпти.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

Вилоятнинг Чуст ҳамда Косонсой туманларида келгуси йил ғалла ҳосили учун бошоқли дон экинлари экишни уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

## КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

Унда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, МТПлар бирлашмаси, "Давтехназорат" инспекцияси, "Норин-Сирдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, ер ресурслари давлат кадастри бошқармаси, "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти ва уларнинг туман бўлимлари, ёнилғи шохобчалари, дон корхоналари ҳамда бошқа тегишли ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Чуст туманининг "Каркидон" ММТП ҳудудидаги "Омон келди" ва Косонсой туманининг "Испарон" ММТП ҳудудидаги "Қорасув ҳосили" фермер хўжаликларида бўлиб ўтган ушбу семинарларда таъкидланишича, вилоятда 2013 йил ғалла ҳосили учун 79 минг гектар майдонга бошоқли дон экинлари жойлаштириш кўзда тутилган. Шундан 60297 гектари ғўза қатор ораларига, 18703 гектари очиқ майдонларга экилади.

Кўргазмали семинар қатнашчилари ғўза қатор ораларига ва очиқ майдонларга ғалла экиш тартиби билан атрофлича танишдилар. Вилоят МТПлар бирлашмаси раиси О.Мамадумаров "Норин-Сирдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Б.Охунов мазкур масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Айни пайтда вилоят бўйича 193 та ғалла экиш отрядлари шакллантирилди.

Кўргазмали семинарда вилоят ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

«ПАРАЛИМИПИЯ ЎЙИНЛАРИ – 2012»

## ЎЗБЕК ПОЛВОНИ КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

**Лондон шаҳрида давом этаётган XIV Паралимпия ўйинларида ҳамюртимиз Шариф Халилов кумуш медални қўлга киритиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб совға ҳозирлади.**

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имкониятлари чекланган ва ногирон ёшларнинг ҳам спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган кенг имкониятлар ўз самараларини бермоқда.

Дзюдочимиз вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида венесуэлалик Маурисио Брикенони, аргентиналик Родолфо Рамирезни, ярим финалда россиялик Шаҳбан Қурбоновни мағлубиятга учратди.

Ҳал қилувчи баҳсда украиналик Дмитро Соловейга имкониятни бой берган Ш.Халилов кумуш медаль билан тақдирланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БУНЁДКОРЛИК ТАСВИРЛАРИ

**Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли фотомусаввир Абдуғани Жумаевнинг Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган "Бунёдкорлик эпопеяси" деб номланган кўргазмаси ташкил этилди. Унинг очилишида турли вазирлик ва идоралар вакиллари, рассомлар, фотоижодкорлар, санъатшунослар, талаба-ёшлар иштирок этди.**



Фотокўргазмада Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар таъкидлашганидек, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маданият ва санъатга қаратилган эътибор, уни ривожлантириш ҳамда ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ижод аҳлини янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

Фотоижодкор Абдуғани Жумаев ижодида ҳам бунинг ёрқин исботини кўриш мумкин. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада ижодкорнинг юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари акс эттирилган уч юзга яқин фотолавҳалари ўрин олган. Кўргазмадан жой олган "Ватан ва юрак бирламчидир" шиори остидаги тасвирларда Ватан ичра нимаики қадрли ва азиз бўлса, улар ўзига хос услубда таъсирчан композицион ечимини топган. Бу борада муаллиф қалбан туйган ҳисҳаяжон ва қайноқ туйғуларини томошабинга энг мақбул воситаларда аниқ етказиб берган. Ижодкор ўзининг тасвирларида Ватанга бўлган буюк ва эзгу муҳаббатни томошабинга юқтиради.

Айтиш жоизки, фотоижодкорнинг ишлари Хитой, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Бельгия, Ҳиндистон каби мамлакатлардаги халқаро фотокўргазмалар ва биенналеларда ҳам намойиш этилган.

— Кўргазмадаги суратларда юртимиздаги бунёдкорлик жараёни, халқимизнинг шижоатли ва матонатли меҳнати ўз аксини топган, — дейди фотоижодкор В.Харитонов. — Менга, айниқса, пойтахтимиздаги муҳташам "Бунёдкор" ёпиқ стадионининг бунёд этилиш жараёнларидан олинган тасвирлар жуда манзур бўлди. Ижодкорнинг фототасвирлари орқали ушбу йирик ва маҳобатли иншоотнинг қурилиш жараёнини бошдан охиригача кузатиш мумкин.

Истиқлол йилларида мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларини тасвирда намоён этган кўргазма томошабин қалбида ўз ватанидан фахрланиш ва ғурурланиш туйғуларини уйғотади.

**Зулфия АҲМЕДОВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

Сирдарё Вилояти

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТУҲФА

**Гулистон шаҳридаги 1-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида реконструкция ишлари амалга оширилиб, 14 та замонавий синфхона, 200 ўринли катта, 50 ўринли кичик зал барпо этилди.**

Санъат мактабида янги ўқув йилидан бошлаб ҳайкалтарошлик, ганч-ўймакорлик, чилангарлик синфлари ҳам фаолият кўрсата бошлайди. Мусиқа хоналари товушдан ҳимояловчи материаллар билан қопланди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабини тезу соз қайтадан қуриб, санъатга ошно ўқувчиларга тортиқ этишда Давлат Бердимуродов бошлиқ "Давр" хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг қўли гул қурувчилари алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатдилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**




РЕКЛАМА ЎРНИДА



